



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021-yil “10” fevral

Қ-78 -son

Termiz sh.

Денов тумани С.Рахимов массиви худудидан
“TERMIZ KENGASH TOMORQA XIZMATI”
МЧЖга замонавий усулда (томчилатиб)
боғдорчилик ташкил этиш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 10 февралдаги 05-02/75-сон йиғилиш баёни, Денов туман ҳокимининг 2021 йил 28 январдаги 01-36/116-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Денов тумани С.Рахимов массиви худудидан “TERMIZ KENGASH TOMORQA XIZMATI” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 148, 150, 151, 152, 153, 154, 155, 156, 157, 158, 159, 160, 162, 232, 203, 210, 211, 212, 195, 169, 197, 199, 200, 201, 339, 186 ва 187-дала контурларидаги жами 525,88 гектар, шундан 59,58 гектар лалми экин ер, 391,69 гектар яйлов, 14,43 гектар сув ости ерлар ва 59,37 гектар бошқа ер майдонлари замонавий усулда (томчилатиб) боғдорчилик ташкил этиш учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов